

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

116 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ–2048-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент метрополитени фаолиятини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПП–2638-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ–2048-сонли қарори 2-иловасидан «Тошкент метрополитени» ДУК» блоки чиқариб ташлансин.

2. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 17 февраль,
ПҚ–2787-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.